

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чина бошлаган.

№ 156 (7. 245)

1990 йил 13 июль, жума

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида АХБОРОТ

11 июль куни съезд делегатлари КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар. Яширин овоз бериш учун рўйхатга А. С. Дудирев, В. А. Иващенко, Е. К. Лигачев киритилди.

Сўнгра делегатлар Марказий назорат комиссиясининг раиси лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар ва овоз бериш учун рўйхатга В. А. Прохоров билан Б. К. Пугогни қолдирдилар.

Кечкурунги мажлисда съезд «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёнотини маъқуллади. Шундан кейин барча коммунистларнинг эътиборига КПССнинг янги Программаси қабул этилгунга қадар XXVIII съездининг Дастурий баёнотига амал қилиш мажбуриятини юқлайдиган қарор қабул этилди.

Съездининг А. И. Лукьянов раислигида ўтган якуновчи мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосарини ва Марказий назорат комиссиясининг раисини сайлаш юзасидан овоз берилди.

1990 йил 12 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишнини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда А. И. Лукьянов раислик қилди. Делегатлар саноқ комиссиясининг КПСС Марказий Комитети Бош котиби ўринбосарини ва КПСС Марказий назорат комиссиясини раисини сайлашда яширин овоз бе-

риш натижаларини тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Кўпчилик овоз билан В. А. Иващенко КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб, Б. К. Пуго КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси, КПСС Марказий назорат комиссиясини президиумининг аъзоси этиб сайланди.

Съезд саноқ комиссиясининг протоколларини тасдиқлади.

Сўнгра комиссия раҳбари М. С. Горбачев сўзга чиқиб, съезд илгарини асос учун қабул қилган КПСС Устави лойиҳасига тўзатишлар ва қўшимчаларни таҳлил қилиб берди.

Делегатлар лойиҳага доир мунозараларини давом эттирдилар. Батафтил ва принципиал фикрлашиб олингандан сўнг муҳокама тўхтатилди. Делегатлар киритган таклифлар пухта ишлаб чиқиш учун комиссияга топширилди.

Мажлис давомида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков съезд қатнашчиларига 11 июль куни бўлиб ўтган шахтёрлар иш ташлаши ҳақида ахборот берди. Съезд ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Съезд кечки мажлис бошланғичда «КПССнинг маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати тўғрисидаги резолюцияни кўриб чиқиш ва қабул қилиш. Шундан сўнг мажлис М. С. Горбачев раислигида ўтди.

Съезд партиянинг марказий раҳбар органлари тарихига номзодларни кўрсатиш ва уларни муҳокама қилишга киришди.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

11 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов КПСС XXVIII съездининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари билан учрашди. Ҳозир коммунистлар халқнинг партияга ишончини, партия обрўсини тиклашлари, жамаиатдаги пешқадамлик мавқеи учун курашлари зарур, деб тез-тез айтилаётган гаплар асосда унинг сўзлари гоёт ишончли янгради.

И. А. Каримов жумладан шундай деди: Ўзбекистонда Компартиянинг аҳоли бошиқча жумҳуриятлар ва умуман иттифоқимиздагидан бир мунча фарқ қилади. Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган йигирма иккинчи съезди у етакчи, асосий куч бўлиб қолаётганлигини, мамлакатимиз бошқа регионлардаги каби унинг обрўси пайсаямасдан, ақсинча кўтарилаётганлигини кўрсатди. Партияга бир ярим йил ичида йигирма икки минг киши аъзо бўлиб кирди, ундан бир минг беш юз етмиш киши чиқди.

Айни вақтда И. А. Каримов партияни жумҳуриятимиздаги етакчи куч эканлигини айтиб, у ҳозирча шундай бўлиб қолаётганлиги алоҳида таъкидлади. Кўп партиялик сари қадам ташлаётган жумҳуриятнинг раҳбари бўлган, вазиятини хушёрлик ва эҳтиёт билан баҳолаш олдидан, «ҳозирча» дейишдан қўрилиб турибдики, бошқа иқтисодий-сиёсий ҳаракатлар билан турли хил мусобақалар бўлишини истисно эт-

масалаларни марказ ихтибрга бериши керак, деб ҳисоблайман. Қолган барча масалалар иттифоқдош жумҳуриятда ҳал қилиниши лозим ва биз ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг мустакиллигини шунда деб биламиз.

Кутингандек, ўш воқеаларига муносабат ҳақида ҳам сўрашди. Жумҳурият раҳбарияти фикрини издор қилар эканман, деб жавоб қайтарди И. А. Каримов, ўш воқеалари учун маъсул, энг аввало Киргизистон раҳбарияти ва жамаоatchилиги эътиборига тушади ва фақат улар ўз масалаларини ҳал қилишлари керак. Биз ўш виллоятда бўлган тўқнашув жумҳуриятлараро тўқнашувга айланишидан аҳолига ҳеч қачон йўл қўйишни хоҳламаймиз. Бу Киргизистоннинг ички иши эканлигини яна бир мар- ва та қоролмайман. Лекин, айни вақтда биз Ўзбекистонда тур- риш, ўш виллоятда қилинган жаҳолатпарастликка бефарқ қарай олмаймиз. Шу сабабли, модомки, биз ягона федерацияда яшаётган, унга муайян ваколатлар берган эканмиз, мазкур масалада бизнинг бу- тун совет федерациямиз ўз сўзини айтиши керак, деб ҳис- облаймиз. Федерация бу ма- салада ҳеч қачон четда тур- маслиги керак.

Мазкур районда кескинлик кучайишининг олдини олиш учун, деди нотиқ, ўшда рўй берган воқеаларга сиёсий ба- ҳо бериш керак ва биз бу масалани Иттифок раҳбарияти олдига қўямиз. Бу турган гап, ҳарбий воситалар — қўшин-



© «КИМГАДИР ДАРМОН БУЛАДИ». Тошкент химия-фармацевтика за- водининг ишчиси Соия Галнабберова. Т. Каримов сурати.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мехнат унумдорлиги ошди

© БУГУН Ўзбекистон маҳаллий саноат вазирлиги қарашли илмий-чолгу асослари фабрикаси бир йўла турта янги бўғимга эга бўлди. Булар ўйинчоқлар тайёрлов, фурнитур ва тайёр маҳсулот цехларидир. Шу билан бирга ишчилар бир қатор маънавий хизмат хона- ларига эга бўлишди.

Ишчиларга яратилган ҳар бир қулай- лик меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди дейди корхона директори.

Ўз касбини ўзгартирди

© КОРХОНАНИНГ тракторсозлар шаҳарчасида жойлашган бир бўғим қайта жиҳозланиб ўз касбини ўзгартир- ди. Энди бу ердан болалар ўйинчоқлари ва асдалик совғалари чиқарила бошлай- ди. 20 та ички меҳнат қиладиган маз- ку бўғимда ойига 12 минг сўмлик хари- дордирги махсулотлар чиқарилади.

И. А. Каримов КПСС Мар- казий Комитети Бош котиби ўринбосарини сайлаш тўғриси- даги саволга қайтарган жаво- бидан, съезд бу масалада Бош котибининг фикрига қулоқ со- лиш керак, деган ишончини билдирди.

Москва

Узоқ яқин бўлди

© ФАБРИКАНИНГ Сергели райони- да жойлашган бўғимдаги ишчилар энди тушлик қилиш учун узоққа бориб қўйилди. Бу ерда 70 ўрилли ошхона фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Шун- ингдек маънавий хизмат комплекси кури- лиши учун 150 минг сўм маблаг акра- тилди.

Д. ОБЛАЕВ.

Фойдаланишга тахт

© БУГУН Чилонзор-31 даҳасида 9 қа- ватли 154 хонадонли турар жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Ойнаванд айвонлардан, кенг ва шинам хоналардан иборат бўлган бу турар жой биносига яна бир қулайлик яратилган. Хонадон соҳиблари ортиқча нарсаларни, буюмларни сақлаш учун юклар сақла- надиган хоналар мавжуд.

Винокорлик ишларини 2-ўйсозлик комбинатига қарашли 4-нурилик бош- қармасининг В. Соломахин етакчи бўл- ган жамоаси олиб борди. Пардозлаш ишларини мазкур комбинатга қарашли 2-пардозлаш ишлар бошқармаси етакчи- лари жило беришди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

«Шарқ» деб номланди

© ХУЖАЛИК ҳисобида фаолият кў- ратаётган бу ёшлар маркази «Шарқ» деб номланди. «Тошкент трактор заво- ди» ишлаб чиқариш бирлашмаси- да янги тузилган марказ ўз махсулот- ларини иқлимлаш ва чиқинди матери- аллардан тайёрлашни асосий мақсад қилиб қўйди.

«Мадад қўлини чўзамиз»

БУ СЎЗЛАР ЗИЛЗИЛАДАН ЗАРАР КЎРГАН ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ АҲЛИГА ҚА- РАТИЛГАН.


Ҳа, Совет раҳм-шафқат ва саломатлик фондининг шаҳар бўлими Тошкент корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг меҳнат жамоаларига, бер- ча аҳолисига аҳоли шу сўзлар билан мурожаат этмоқда.

20 июнь куни Эрон Ислам Республикаси ҳудудда кучли zilзила бўлди, натижада вай- конгарчилик содир бўлиб, одамлар қурбон бўлди. Бу қул- фат жаҳон мамлакатлари ва ҳукуматларини бебарво қолдир- гани йўқ. Бизнинг Ўзбекистон ҳам баҳоли-қудрат ердан бер- моқда. Совет раҳм-шафқат ва саломатлик фондининг шаҳар бўлими шозилич равишда «Эронга ердан жамғармасини эълон қилди.

Эрон элчиҳонасининг маъ- лум қилиши қараганда, бу- гунги кунда бизнинг жабрлан- ган қўшинларимиз биринчи навбатда дори-дармонларга ва антибиотикларга, жарроҳлик ускуналарига, яраларни боғлаш материалларига, синиқларни доволлаш воситаларига, пале- таларга, аёлларга, кўрпа- тўшакларга, озиқ-овқатларга, консерваларга, керосинларга, биринчи ердан анжомларига ҳамда пул маблағларига муҳ- тождирлар.

Эрон Ислам Республикасида- ги қўшинларининг қулфатини ўз қулфати деб қабул қилган, zilзиладан жабрланганларга пул ерданини кўрсатишга қар- ор қилган аҳолисига, корхоналар, ташкилотлар, му- ассадларнинг меҳнат жамоала- рига шаҳар раҳм-шафқат ва саломатлик фонди пул ўткази- шга сўб сўб сўб маълум қилди: Тошкент шаҳар уй-жой ин- тимой банк пул муомалала- ри бошқармасидан ҳисоб сўбти 000704107. «Эронга ер- дам жамғармаси. Код 73427. Ўтказилган моддий хайр- эҳсонларни йиғиш қуйидаги манзилдаги ташкил этилади: Ульянов тор кўчаси, 8-уй. Маъ- лумотлар олиш учун телефон: 68-46-69. Раҳм-шафқат ва сало- матлик фондининг шаҳар бў- лим.

Хайр-эҳсонларни марказ- лашган усулда биринчи мар- та «тказиб бериш Эрон элчи- хонаси орқали 13-14 июлда ташкил этилади.



МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. Суратларда: Ўзбекистон делегациясининг совет ва чет эл журналистлари билан учрашуви; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов журналистлар саволларига жавоб бермоқда. Ф. Қурбонбоев олган суратлар. (ТАСС—ЎзТАГ телесурати).

Ҳаж сафаридан қайтдилар

Рўзноманинг шу сонига

© Салкам уч ҳафта давом этган Ҳаж сафари ниҳоя- сига етди. Макка Мадина зиёратига бўлган имон-эти- қодли мусулмонларнинг иккинчи гуруҳини ўз бағрига олган ИЛ—86 тайёраси ўтган куни кечкурун Тошкент қўнигоҳига келиб қўнди.

Биз «Совет шарқи мусулмонлари» ойнамаси ходими ҳаж Сирожиддин Жаҳонгирдан сафар таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Биз мусулмонларга фарз бўлган Исламнинг бе- шинчи руқонини — Ҳаж Му- боракни адо этдик. Бу йил- ги зиёратга биздан шунча- лар кўп одамнинг бориши етмиш йил мобайнида бўл- маган эди. Оллоҳ таолога шукурлар бўлишини, қайта қуриш шарофати туйғайли бундай шарофатга муяссар бўлдик.

Тошкентдан Жиддага ке- татганимизда

Минеральные Водиди тўхтаб Жиддага боргач, Маккага бизни автобусларда олиб кетишди. Икки ўртадаги ма- софа 100 километр экан. Совет Иттифоқидан борган мусулмонларни Саудия Ара- бистони подшоҳи Фаҳд бин Абдулазиз сафар давомида ўз ҳисобидан ётоқ, уч маҳал ўнвот ва транспорт билан таъминлади. Ундан беҳад миннатдоримиз. Қаерда бўл- майлик хизматимизда бўлиш-

ди, ҳолимиздан хабар олиб туришди. Улар айниқса биз- да ҳам мусулмончиликка эътибор кучлидигандан беҳад хурсанд эдилар.

Маккада бизни Аббосхон меҳмонхонасига жойлаштири- шди. Меҳмонлар ўта хуш- муомалалик билан муноса- батда бўлишди. Ҳар кун ҳар хил ширин-шакар мева- чевалардан қўлаб олиб ке- либ туришди. Улариди меҳ- монларда аниқ ва диққатга сазовор жойларни айланти- риб келишди.

Мадинага борганимизда ҳам шундай очиқ чехра би- лан кўтиб олишди. Ташриф- миздан араб биродарлари- миз ҳам гоёт мамуну оди- лар. У ерда пайғамбаримиз қадрларини зиёрат қилдик. Мачитларига ва қадрларига қатнаб намоз ўқиб турдик. Мадина шаҳрининг раҳбар- лари бизга алоҳида мурув- ват кўрсатиб шомдан кейин ўша ердаги биродарларимиз ва олимлар ҳамкорлигида азиз жойларга бирма-бир олиб бориб кўрсатишди. Шу жумладан мачити Қубо ва мачити Қиба Тайинга ҳам ташриф бўюрдик. Ухуҳ то- ги ён бағрида бўлган тарих- ий жанг жойини кўрса- тишди.

Ҳаж мавсуми давомида Саудия Арабистониди шун- дай бир одат бор экан. Подпоҳдининг вакиллари машиналарда кўчама-кўча юриб оби замзам суварли, турли хил мева-чевалар, егуликлар ва муқаддас ки- тобларни текинга тарқатиб юришарди.

Сўхбатни Раъван БОБОМУҲАМЕДОВ ёзди олди.



Меҳнат қилган—элда азиз

ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШУВЧИЛАР

ШУ КУНИ Сафураҳон ишхонасидан уйга хуш кайфият билан қайтди. Ваҳоланки, ишчи учун ўзи қилган меҳнатнинг ажойиб маъсулидан қувончидан ортиқ бахт йўқ. У ўзи ишлаётган жамоанинг меҳнатсевар аёллари қўлдан чиққан маҳсулотларнинг туркуми океан ортига — Америка Қўшма Штатларига юборилганидан қўнгли тоғдек кўтарилган эди. Улар қўлдан чиқарган маҳсулотлар нафақат жумҳуриятимиз, балки Иттифоқимиздан ташқари ҳатто хорижий элларга ҳам доғруғ тарабидими, дедик маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг хилларини кўпайтириш борасида олиб борилаётган ишлар самарасиз кетмабди.

қила бошлаганига 16 йилдан кўпроқ вақт ўтибди. У мана шу йиллар мобайнида ўз касбининг ҳақиқий устасига айланди. Доймо изланиш, топирилган иш учун маъсулият унга хос фазилатлар саналади. Бирлашмада Сафура Сайдалиева сингари ўз касбига ихлос қўйган аёллар жуда кўпчилигини ташкил этади. Лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, уларнинг ҳар бирининг ўзи иш усули бор. Сафураҳоннинг қўлдан чиқарган маҳсулотлари ўзига хос сифатига эга. Унинг нафислиги ва гузаллиги билан кишилар дилига олам-олам қувонч бағишлаяпти, бу буюмлар ўзбек хонадонларининг уйлариини безаяпти, уларга фойда киритаяпти.

Дарҳақиқат, бу гапларда бир олам маъно бор. Александра Ивановна билан бўлган суҳбатда ишчиларнинг дил сўзлари бир-бирига жуда ҳам ҳамоҳанг эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бир корхонада чорак аср ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, жамоанинг хурмат-эътиборини қозонишнинг ўзи бўлмайди, ахир. А. И. Галькина ана шундай фидойи аёллардан биридир. У меҳнат қилаётган Тошкентдаги қурилиш материаллари комбинатининг ишчилари билан суҳбатлашсангиз Александр

Ивановнанинг жонқурлиги, қуйди-пишдилиги ҳақида оғизларидан бол томиб гапиряпти. Чиндан ҳам «Меҳнат қилган — элда азиз», деганларидек А. И. Галькина узоқ йиллар бир жойда муҳим ишлагани эвазига бу ерда хурмат ва эътибор топди. Унинг қўлдан чиқарган кенг истеъмол буюмлари харидорларга манзур бўлаётганлигидан Александра Ивановнанинг ўзи ҳам жуда мамун.

бор берилаётганлиги сир эмас. Мақсадимиз халқимиз эҳтиёжига керакли истеъмол буюмларини кўплай ишлаб чиқаришдир. Ҳа, Сафура Сайдалиева ҳам, Александра Ивановна Галькина ҳам эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган машъал ишчиларимиздан биридир. Уларнинг шу қўллардаги ғайрат-шижоатлари янада ўзгача: зиммаларидаги топириқнинг ортини билан адо «этиш, маҳсулотларнинг янада бежирим ва сифатли бўлишини таъминлашга уларнинг салмоқли ҳиссаларини қўшиш — бу суратчирагимиз Холмат Мирзакаримов ва Тўлқин Каримов тасвирга туширган ва синларнинг эътиборларини ҳавола этилаётган суратларида (чапдан ўнгга) акс эттирилган фидойи аёлларимизнинг эзгу мақсадидир. С. БОБОЕВ.

Шаҳар муаммолари

ЁМОН ЭСДАЛИК

«ҒАЛАБАНИНГ 40 йиллиги» даҳасида кейинги пайтларда кўплай муҳташам биналар қуриб битказилди. Уларнинг асосан 4-қурилш трестига қарашли 38-қурилш бошқармаси жамоаси бунёд қилди. Бу — яхши. Лекин унинг ёмон томони шундаки, қурувчилар ўзларидан ёмон эсдалик қолдириб кетишди: чинқинди уюмлари дейсизми, ортган нарсалар дейсизми, худлас истеган нарсангиздан топилади. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун бир-иккитаси мисол келтираман. 22-й ёнида ер ости оқавалари қувурлари учун мулжалланган темир-бетон қопламалардан саккизтаси тахланиб турибди. Еки даҳанинг охиридаги нон дўкони ёнида янги ахлит бўлак томга қўйилганда қаҳчқ ётибди. Бир тонна келиб қолар. Агар даҳанизи

айлансангиз, бунақа яроқли материаллар яна топишингиз мумкин. Шу ерлардан 10 тоннадан ортиқ темир-терсуқ ағил олиш мумкин. Ахир, булар халқ маблагини ҳисобига яратилган яроқли материаллар-ку. Нега уларни зарур жойларга олиб бериб шилатиш мумкин эмас? Уларни тайёрлаш учун қанча маблаг, иш кучи, маҳсулот ва техника қуввати сарфланган-ку. Ҳойнаҳой, қурилиш ташкилоти раҳбарлари бундан бебахадирлар. Қурувчилар бўлса, жавобгарликдан ҳоли, шунинг учун бу яроқли материаллар ҳам жой эгаллаб, ҳам атрофни хунук қилиб, фойдаланмай ётибди.

Даҳа аҳолиси ўзи яшаб турган бино атрофини тозалаб, текислаб, дов-даррақ экиб, гул кўкартириш, обод, қўрам қилиш фикри-ёди билан банд. Лекин улар тоналаб оғирликдаги бу буюмларни жойидан силжитолмайдилар. Хўш, нима қилиш керак?

Қурувчилар бу маъсулиятсизликларини учун ҳеч бир ташкилот олдига, раҳбар олдига жавобгар бўлмасликларини билсалар керакини, шунчалик исрофгарчиликларга йўл қўядилар. Акс ҳолда бу рўй бермаган булар эди. Бу яроқли қурилиш материаллари қачонгача атрофини хира қилиб ётаркан? Ахир, нонинг уовини ҳам нон дейишда, наҳотки ўзи қурилиш материаллари танқис бўлиб турган бир пайтда исрофгарчиликка йўл қўйилса?

Ғ. КОМИЛОВ.

Йигирма йиллик бош оғриқ

АСЛО ажабланманг: шунақаси ҳам бўларкан. Уйимизнинг ишга туширилганига йигирма йил бўлди. Янги хонадонга кўчиб келган кезларимиздаёқ, қурувчиларнинг қўл учига бажарган ишларини ўнглаш билан бирга сув қувурларини, иситиш тармоқларини яхшилаш ташвишига ҳам тушиб қолдик. Негаки, қувурлардан сув сизиб чиқиб, ҳаммаёғни танг ҳолатга келтирарди. Биэга ёрдам беришларини сўраб, Октябрь районидagi ўзимизга қарашли 49-турар жойлардан фойдаланиш бошқармасига бордик. Улар бизни қуруқ ваъда билан хотиржам қилиб чиқариб юборишди. Бу кеча ёки бугун бўлаётган воқеа эмас. Йигирма йилдан бери сантехникларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Улар шароитимизни ўнглаб беришни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Турар жойлардан фойдаланиш бошқармасидан ёрдам бўлавермагач, арзимизни айтиб Октябрь район ижроия комитетига бордик. Депутатларга мурожаат этдик. Аммо бу масалани ҳал қилишга ижрокўм раҳбарларининг ҳам, депутатларнинг ҳам кўриб ётмади. Егингарчилик кунлари бошланиш биланоқ, томдан чақна ўтиб хонадонларни сувга тўлдирди. Қиш пайтида эса совуқдан қаҳшоб ўтираемиз. Иситиш ускуналари яхши ишламайди. Хонадонларку майли, ҳозир йўлакларнинг шишлари ҳам кўчиб, ёрилиб ётибди. Ерғўламиз сувга тўлиб, чивни, пашшаларнинг манонига айланган.

Худлас, уйимизнинг санитария ҳолати ёмон аҳволда. Енимиздаги 10-уйда ҳам шундай камчиликлар кўзга ташланади. Йигирма йиллик ташвиш тинкамизни қуритди. Бошқарма ходимлари қачон бунга чек қўйишаркин? Еки яна қуруқ ваъда билан ҳаммани алдаб юришавармикин?

ИСЛОМОВ. Жамъ 12 июль. Октябрь район, Бериуний кўчаси, 8-уй.

ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИ

(Суратли айбнома)


ФЕРУЗА эндигина 3 ёшга тўлганда фалокат туфайли юрломайдиган бўлиб қолди. Ойиси Гулчеҳра опа эртаю-кеч қизининг қошида парвона бўлиб уни парвариш қилмоқда. Бундан у қаттиқ азият чекапти. Бундай яроҳат олиш шахримизнинг Форобий кўчасидаги Матлубот боши берк кўчасида биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Нохуш воқеа туфайли Дилором деган қиз ҳам бир ой олдин шундай кўргуликка учраб, тўшакка миклиноб қолганди. Хўш, Феруза билан Дилоромга нима бўлди? Нима сабабдан ёш қизалоқлар ногирон бўлиб қолдилар?

— Ҳамма гап ахлатда, — дейди Ферузанинг ойиси Гулчеҳра Холмироваева. — Шундоқ кўча қовида сунъий ахлатхона пайдо бўлган. У ерга шу атрофда чўнтакка мўмай пул ишлаётган ширкат набобазлари тез-тез чинқинди тўкиб туришди. Сиргдан кулга ўхшаб турган кўрмиз нарса аслида чўғ, кўмир қолдиқларидан иборат.

— Ахлатнинг қўланса ҳидидан ҳовлида туриб бўлмайди, — дейди шу кўчада истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдувоҳид Маликов. — Сал шабада бўлса борми, уйдан чиқиб кетай деймиз. Маҳалладаги яшовчи кексаларнинг айтишича, ахлат ташувчилар онда-сондагина юрасини кўрсатишади. Аммо барибир чиқиндилар уюми қамаймайди. Чунки «тозалик учун қурувчилар» номига ишлашади. Уларнинг эътиборсизлиги, маъсулиятсизлиги туфайли атрофини пашша босиб кетган. Маҳалладагиларни нечалари ухлатгани қўймайди. Шунга яраша кўчага ахлатни ташлаш бас қилинса, копки эди. Чинқиндиларини ташлашни набобазлар янада қийинлаштиради. Шаҳар ободлаштириш Бош бошқармаси эса бу нохуш аҳволни кўриб кўрмасликка олмоқда. Собир Раҳимов район санитария-эпидемиология станциясидагилар ҳам сукут сақлашмоқда. Хўш, бу ҳол қачонгача давом этаркин?..

А. МАМАДАМИНОВ.

СУРАТЛАРДА: Форобий кўчасидаги Матлубот боши берк кўчасида пайдо бўлган ахлатхона. Муаллиф суратлари.



«Тошкент оқшомига» жавоб берадилар

«Оқшомга хатлар» рукуни остида ана шундай сарлаҳали таққидий мақола «Тошкент оқшоми» рўномасининг 13 апрель сонида босилиб чиққан эди. Унда Навоий ва Энгельс кўчалари ўқир-чўқир эканлиги, икки томонидаги эски уйлар унинг кўрғина соя солаетгани, Навоий кўчасининг икки ёнидаги юриш йўлакларига эса 15—20 йилдан буён таъмирланмаётгани сингари нуқсонлар очиб ташланган эди.

Текшириб, чора кўриш учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободлаштириш Бош бошқармасига юборилган хатга унинг бошлиғи М. З. Зуфаров имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда жумладан шундай дейилади: — «Қиё боқишса» мақоласи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободлаштириш Бош бошқармаси ва «Спецремдормост»

трести вакиллари иштирокида муҳонама этилди. Мақолада келтирилган фактлар тўғрисида, деб топилди. Ҳозирги пайтда Навоий кўчасининг Ҳадра майдонидан то Энгельс кўчасигача бўлган қисми марказий йўллардан фойдаланиш идораси кўчалари билан жорий ремонт қилинди. Навоий кўчасини тўла капитал ремонт қилиш эса А. Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар режасига киритилди.

Маоши ўзига, ташвиши-чи?

БУГУНГИ кунда шахримиздаги айрим кўчаларнинг жуда ифлослигиндан ишга боришда ва қайтишда баҳри-дилнинг очилиш ўрнига сиёҳ бўлади. Биримдан, ўша кўчалар эгасизми ёки биримда ташкилотта биритилмаганими ёки рўйхатдан тўзиб қолганими? Худлас, сабаби бизга қоронғи. Шундай кўчалардан бири Куйбашев районидagi Морская кўчасидир. Лоф эмас, 4 йилдан бери бу кўчадаги ахлатни ҳеч ким кўрмайди, унинг ёнида жумҳурият санитария-эпидемиология станциянинг лаборатория корпуси жойлашган. Ахир, бу нуфузли ташкилот бошқа ташкилотларни текширибди, жарима солиди, ёпиб қўйди. Шундай таъсир ўтказиш кучига эга була туриб, биқинида уюлиб ётган ахлатни олиш, кўчасини тозалаб қўйишнинг уйдасидан чиқмаётганини қизик. М. Горький кўчасининг Морская кўчасига туташган жойидаги 1-автотўхтайдиган бекатини қаранг, бу жойдан ҳамма нарсани топасиз. Ариқлар ифлос, тозаланимайди. Бундан бир неча ой олдин кесилган дарахт шоҳлари уюлиб ётибди. Уни йиғиштириб олиш, тозалаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Черданцев кўчасининг Тузель томонга кетаверишдаги автотўхта бекатида ҳам бир йилдан бери аҳвол шу. Энди ўринли савол туғилади: кўчалар озодлигини сақлаш, ахлатларни олиб кетиш ишлари билан шуғулланган ташкилотлар қани? Маошини улар олади, ташвишини бошқалар қилмайдими?

А. ШЕРХОНОВ, педагог.

Чуқур қачон тузатилади?

БУНДАН бир неча йил бурун «Ганга» дўкони атрофида жойлашган 8-дорихона олдига қандайдир қурилиш ташкилоти катта чуқур наздан эди. Бу чуқур бир неча ой шу ҳолда ётди. Сунгра унинг ярмаси тўпроқ билан тўлдирди. Ярмаси эса ҳамон чуқур ҳолида ётибди. Атрофдаги ўйлаб қилинмаган бу иш ҳозир Собор даҳаси аҳолисининг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлмоқда. Чунки у ерга турли ахлатлар тўкилмоқда. Наҳотки бир неча йилдан бери бу чуқурни тўлдириб, дорихона атрофини тозалаш маскани — гулзорга айлантириш қийин бўлса?! Уйлаймики, Собир Раҳимов район ободлаштириш бошқармасидаги ўртоқлар шахримиз марказидаги бу жойга бундан буён ўтай кўз билан қарамайдилар. Х. УМАРОВА.

Хориждан хабарлар

ҚОҲИРА. 9 июль кунин Исроил касалхоналарида Исроил меҳнат умумий федерациясига аъзо бўлган шифокорларнинг ялли иш ташлаши ўтказилди, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Мамлакатдаги барча шифокорлар қўллаб-қувватлаган иш ташловчилар мамлакатда нарх-навоининг ошиби боришдан орқада қолаётган иш ҳақининг кўпайтирилишини талаб қилмоқдалар. Исроиллик шифокорлар ҳозирнинг ўзидек бир неча марта ана шундай оғоҳлантирувчи иш ташлашлар ўтказдилар — фақат сўнгги икки ҳафтанинг ўзиде Исроил касалхоналари учинчи марта ишламай қўйди. Мазмурулар июль ойининг охирига қадар шифокорларнинг талабларини қондирмаган тақдирда улар ишини бутунлай тўтатишга ва ўзлари қўйган барча шартларнинг бажарилишини талаб қилишга тайёрлар.

жойдан четда бўлган жанубий Ливаннинг бир қанча аҳоли пунктларини ўққа тутди. Айн Бусуар, Алита, Жаржуа, Жобил Сафи, Заутар ва бошқа қишлоқлар миномётлар ва танк тўпларидан ўққа тутилди, Деҳқонларнинг уйлари, экинзорлари ва болғарига катта моддий зарар етказилди. Ҳиндистоннинг шимолий-шарқидagi Трипур штатининг катта қисмида юз берган олмайвй тартибсизликлар чоғида уч киши ўлдирилди ва 50 дан зиёд одам яраланди. ПТИ агентлигининг хабар қилишича, штатдаги тўполонлар Трипур автоном округ советларидан бирига депутатлар сайланган бугунги кунга та тўри келди ва қарама-қарши курашаётган сиёсий партиялар, асосан Ҳиндистон Миллий конгресси (И) ва Ҳиндистон Коммунистик (марксистик) партиясининг ташвиқотчилик фаолияти туфайли юз берди. Агентлигининг полиция маълумотларига асосланиб берган хабарига қараганда, Ҳиндистон Коммунистик (марксистик) партияси билан Ҳиндистон Миллий конгресси (И) ўртасидаги тўқнашулар чоғида бир неча марта ўқи отиш қурган жойларда олмайвй норозилик намойишлари ва митинглар бўлиб ўтди, араб ёшларидан иборат гуруҳлар билан ҳарбий патруллар ўртасида тўқнашулар бўлди, улар Исроил армиясининг автотомашиналарига тошлар ва ёндирувчи модда солинган ишчилар отишди. Рамаллах ва Ал Бира шаҳарларида исроилликларга қарши намойишлар айниски, кенг аёк олдиди. Бу жойларда, шунингдек Ғазо секторининг бир қанча районларида аҳоли ялли иш ташлаш ўтказди. Шарқий Куддусда полиция патрулига хужум қилиниб, полициячилардан бири пичоқ билан ярадор қилинди.

Бу намойишларни бостиришга ташланган Исроил қўшинлари Бир неча марта ўқи отиш қуролларини ишга солдилар, аҳоли яшайдиган даҳаларга кўздан ёш оқизувчи гранаталар ташладилар. Натюжада босиб олган территорияларнинг турли районларида кун мобайнида 36 нафар фаластинлик, шу жумладан бир неча ўсмир яраланди. Рамаллах ва Ал Бира шаҳарларини қўшинлар ўраб олди, кўчаларга қучайтирилган соқчилар чиқарилди. Шарқий Куддусда кўплай одамлар қамоққа олинди.

Байрут. Исроил авиациясининг Ливан территориясини ичкерисига қилган навбатдаги хужуми давомда икки киши ҳалок бўлди, ундан зиёд одам яраланди. Исроил ҳарбий-ҳаво кучларининг олти самолёти яқинда кунининг иккинчи ярмида Бекаа водисининг жанубий қисмида жойлашган Айн Бусуар ҳамда Жаржуа аҳоли пунктлари атрофида ракеталар билан зарба берди. «Ас сафира» газетаси Исроил манбаларига таяниб хабар беришича, Исроил шимолий районларининг реактив снарядлар билан ўққа тутилишига жавобан эронпараст «Хезболах» ташкилоти объектларига қарши зарба берилган. Босқинчилар артиллерияси 8 июль кечки пайт «хавфсизлик зонаси» деб аталадиган

Аттиги сўнгги икки кун ичиде Ҳиндистоннинг Тамилнад штатига Шри-Ланкадан қарийб 3000 нафар қочоқ келди. «Санди обсервер» газетасининг хабар қилишича, Шри-ланкалик яна бир неча минг тамил ўзлари Полак кўрғазидан ўтиб, наюбобах ҳинд тупроғига қадам қўйадиган дақиқани сабрсизлик билан кутмоқда. Шри-Ланка ҳукумати қўшинлари билан «Тамил илама» Озодлик йўлбарслари (ТОТИ) тамил йўлбарслари турли районларида кун мобайнида 36 нафар фаластинлик, шу жумладан бир неча ўсмир яраланди. Рамаллах ва Ал Бира шаҳарларини қўшинлар ўраб олди, кўчаларга қучайтирилган соқчилар чиқарилди. Шарқий Куддусда кўплай одамлар қамоққа олинди.

Покистон агар у мамлакатимиз билан муносабатларни яхшилашни истаса, Ҳиндистоннинг ички ишларига аралашшини тўхтатиши лозим, деди ПТИ ахборот агентлигининг муҳбирини билан қилган суҳбатда Ҳиндистон ташқи ишлар министри Индер Кумар Гужрал. Гужрал Панжоб ҳамда Жамму ва Кашмир штатларида ҳаракат қилаётган террорчиларни Исломобод фаол қўллаб-қувватлаётгани ва тайёрлаётгани муносабати билан ташвиш билдириб, фақат «Покистон Бизнинг ички ишларимизга аралашши ёмон оқибатларга олиб келишини тан олган тақдирдагина» икки мамлакат ўртасида Силл битими рўйхатиди мuloҳот бўлиши мумкинлигини таъкидлади.



Итларни яхши биладиган одамларга лайка зотига мансуб итларнинг қатор афзалликлари ахши маълум. Кўч жонхатидан, бардошлилиги жоҳатидан уларга тенглашадиган жуда кам бўлади. Уларнинг довораклиги эса ҳар қандай мақтовга арзийди. Улар айниски Шимолда ўз фазилатларини тўла намойиш этадилар. Шу ерда улар инсоннинг энг яқин кўмакчисига айланиб қолишган. Билиш шахри яқинида (Шимоллий Чехия) истиқомат қилувчи Дольей олмасининг аъзолари ҳам лайка итларининг муҳлис-ларидир. Мана етти йилдирки улар ана шу зотли итларни кўпайтириб келишади. СУРАТДА: Дольей олмасининг итлари қўшилган аравача. ЧТК—ТАСС сурати.

МАВСУМ ОЧИЛАДИ КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛARI

2 бўлимдан иборат ранг-баранг дастур Цирк сайнатиинг барча жанрлари, масъарабоз гуруҳларининг чиқишлари билан навоийш қилинади. Томошалар соат 19.30 да; шанба кунлари — соат 16, 19.00 да, якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Президентининг «Улуғ Ватан уруши ноғиронлари, қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларининг оилаларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги фармонига мувофиқ 1990 йил 1 июлдан бошлаб

ДИҚҚАТ!

Ғ. Ғулом кўчаси бўйлаб пидеялар учун ер ости ўтиш йўли қурилиши муносабати билан 1990 йил 15 июлдан бошлаб 1991 йил 1 майгача

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

Шажар ўқув-методика кабинетининг катта услубийчиси ва услубийчиси бўш лавозимига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

49-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ Муассасаларо экспериментал берилаётган ТЕХНИКУМ-БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфга таъминланган йилга ва қизлар учун — 3 йил, 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ТОШКЕНТ ОКНОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийбнинг Иштироқи Қилди Вайроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. МАНЗИЛГОХИМИЗ: 700093, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Фидойи посбонларимиз

БИР ДАҚИҚА КЕЧИККАНИДА...

2 июнь кунин Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимининг ходими, милиция лейтенанти Фарход Рўзимуродов ўз хизмат вазифасини анча кеч бошлади. Сабаби...

Бир жиноят изидан

Қочиб қутулолмади Аскаржон Ҳошимовни туғилган кунинда автомобиль фалокатидан ҳалок бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Чилонзор райкомининг Волгоград кўчасида райкомат қилувчи бу йилнинг уйига қариндош-уруғлари қатори яқин таниши — сантехник лавозимда ишловчи Альберт Халиуллин ҳам шу кунни тақдир қилинган эди.

Ўзингга эҳтиёт бўл...

ЭШИК кўнгириги устмас уст жингиллади. Ўрта ёшлардаги аёл эшкнини очиб билан узун бўйли йилит ичкарига бўй чўзди. — Хайдар ақанинг уйлари шуми? Уй бекаси йилитнинг саволи ва бежо қарашларидан бир сесканиб тушди.

НОМУС УҒРИСИ

БУ номуссизлик ҳақида ёзмоқчи эмасдиз. Лекин бирдан бўйни ерга эгилиб, қадди буклиб қолган ота-онанинг ўша пайтдаги тушун қайғирини кўз ўнгимиздан сира нари кетмай қолди. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, қалби эгилмаган бу мағрур инсонларнинг белини шарм-ҳайронлик бир зумда қандай чидасинки, ҳали баалоғат ёшга етмаган нурийдасин буғуя номус ботқонига ботиб ўтиради?

ҚИДИРИЛМОҚДА



Тошкент шаҳар Киров район ижроия комитетининг ички ишлар бўлими томонидан 1972 йилда туғилган Исроил Исмомовнинг 12-мавзасидаги 36-уйнинг 34-хонасида истикомат қилувчи бу йилит шу йилнинг 2 апрелида уйдадан чириб кетганича қайтиб келмаган.



Яна лоқайдлик ҳақида

«МЕНГА НИМАМИ?»

Жиноятчиликнинг содир бўлишига сабаб бўлаётган омиллардан бири лоқайдликдир. Зеро, гап шу хусусда борар экан дошманднинг «Гар сен ўзгаларнинг қайғусига лоқайд қарасанг, инсон деган нома ҳолойинсан» деган сўзларини эслаб қўйишимиз фойдаланган ҳоли бўлмас.

Ўзингга эҳтиёт бўл...

ЭШИК кўнгириги устмас уст жингиллади. Ўрта ёшлардаги аёл эшкнини очиб билан узун бўйли йилит ичкарига бўй чўзди. — Хайдар ақанинг уйлари шуми? Уй бекаси йилитнинг саволи ва бежо қарашларидан бир сесканиб тушди.

НОМУС УҒРИСИ

БУ номуссизлик ҳақида ёзмоқчи эмасдиз. Лекин бирдан бўйни ерга эгилиб, қадди буклиб қолган ота-онанинг ўша пайтдаги тушун қайғирини кўз ўнгимиздан сира нари кетмай қолди. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, қалби эгилмаган бу мағрур инсонларнинг белини шарм-ҳайронлик бир зумда қандай чидасинки, ҳали баалоғат ёшга етмаган нурийдасин буғуя номус ботқонига ботиб ўтиради?

ХАЙФСАН БЕРИЛДИ

Ўшқаро А. Халиқов «Тошкент окимияси рўзмаси тахририятимизга мактуб йўлаб, унда Тошкент шаҳар автомобил инспекцияси бошқармасининг йил-партуль хизмати инспектори, милиция сержанти А. Ҳақимовнинг нотўғри хатти-ҳаракати устидан шикоят қилган эди.

ХОТИНИНИНГ ҚОТИЛИ

Ўрта Осий темир йўлининг Тошкент станцияси навбатчилик қисми телефонни қаттиқ жингиллади. Гўшакдан аёл кишининг «Ўлдиряптисан деган овози эшитилди, ҳолоқ. Топишмоқли бу сўздан навбатчининг боши қотди. Нима қилмоқ керак! Ушар хабар дерхол шаҳар ички ишлар бошқармаси навбатчисига етказилди. Оператив гуруҳ тузилди. Орадан бир неча минут ўтиб милиция хизматчилари воқеа содир бўлган жойни аниқлаб у ерга етиб бордилар. Бу ердан станция оператори З. И. Филипповнинг мурдаси топилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА. 20 ИЮЛДАН БОШЛАБ. МАВСУМ ОЧИЛАДИ КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛARI.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВОШ БОШҚАРМАСИ